

Мукамал мағфират



07:05 / 08.10.2019 1709

Али ибн Ҳусайн ибн Воқид отасидан ривоят қилади: «Абу Муслим Иброҳим ибн Соиғ ўлдирилганидан кейин уни тушда кўргим келаверди. Бир куни у тушимга кирди. Ундан: «Роббингиз сизга қандай муомала қилди?» деб сўрадим. У: «Ундан кейин мағфират бўлмайдиган мағфират билан (яъни мағфиратнинг энг олий даражаси билан) мени кечирди», деди. «Наҳв олими Язид қаерда?» дедим. «У мендан бир неча баравар баланд даражада», деди. «Нима учун?» деган эдим: «Қуръонни қироат қилгани учун», деб жавоб берди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан